

**Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ходимларининг
коррупция ҳолатлари ҳақида мажбурий хабар бериши
ТАРТИБИ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси (кейинги ўринларда – Академия) ходимлари томонидан уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундаш ёки содир этилган коррупция ҳолатлари ҳақида мажбурий хабар бериш тартиби (кейинги ўринларда – Тартиб) Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига асосан ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Тартиб Академия ходимлари томонидан уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундаш ҳолатлари тўғрисида, шунингдек бошқа ходимлар томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида мажбурий хабар беришни тартибга солади.

3. Академия ходимлари ҳар қандай шахслар томонидан уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундаш ҳолатлари ҳақида Академия ректорига ёки Судьялар олий кенгашига (кейинги ўринларда – Кенгаш) дарҳол хабар беришлари шарт.

4. Академия ходимлари Ўзбекистон Республикасининг суд тизими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёхуд давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлар тўғрисида ҳам белгиланган тартибда хабар беришлари лозим.

5. Хабар бериш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Академия ходимлари Академия ректорига ёки Кенгаш раисига хабар берадилар;

Академия ректори Кенгаш раисига хабар беради.

6. Академия ректори олинган хабарларни сир сақланишини таъминлашга мажбур.

II. Хабарларни бериш, рўйхатга олиш ва тегишли чоралар кўриш тартиби

7. Хабар билдирги кўринишида расмийлаштирилади ва тақдим этилаётган раҳбар номига ёзма равишда, ушбу Тартибнинг 1-илоvasида белгиланган шаклда берилади.

8. Билдиргида қуйидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим:

билдирги бераётган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундаш ҳолатининг санаси, вақти, жойи, усуллари ва мазкур ҳолат билан боғлиқ бошқа вазиятлар кўрсатилган батафсил маълумот;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундаш билан мурожаат қилган шахс ҳақида барча маълум бўлган маълумотлар;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳақидаги таклифни қабул қилиш рад этилганлиги (розилиги) тўғрисидаги маълумот.

Билдиргида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 237-моддасида назарда тутилган ёлғон хабар бериш учун жавобгарлик белгиланганлиги ҳақида хабардор эканлиги ҳам кўрсатилади.

Ушбу Тартибнинг 4-бандида кўрсатилган ҳолларда билдиргида ушбу бандда қайд этилган маълумотларнинг билдирги тақдим этувчига аён бўлган барча маълумотлар кўрсатилади.

9. Академия ходимлари иш жойи ҳудудидан ташқарида бўлган вақтда (таътил, хизмат сафари, харбий хизматни ўташ, даволаниш ва бошқалар) уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундаш ҳолатлари ҳақида Академия ректорини ёки Кенгаш раисини телекоммуникация воситалари орқали (телефон, интернет тармоғи ва ш.к.лар) хабардор қилишга ёки ҳудуддаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беришга мажбурдирлар.

10. Академия ректори билдиргини олиши билан дарҳол ушбу Тартибнинг 2-илоvasида белгиланган шаклдаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги билдиргиларни рўйхатга олиш китобида (кейинги ўринларда – Китоб) уни қайд этилишини таъминлаш чорасини кўради.

Китоб рақамланган, тикилган ва варақлар сони Академия мухри

билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Китоб, билдирги ва уларга дахлдор бошқа маълумотлар доимий равишда сақланади.

11. Академия ректори билдирги рўйхатга олингандан сўнг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундаш ҳолатлари ҳақида дарҳол тегишли органларга хабар бериши зарур.

12. Академия ректори ҳар бир тақдим этилган билдирги юзасидан Кенгашга махсус хабарнома юборади.

13. Кейинги ҳаракатлар белгиланган тартибда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколати доирасида амалга оширилади.

III. Коррупция ҳолатлари ҳақидаги хабар берган ходимни рағбатлантириш ва хавфсизлигини таъминлаш

14. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундаш ҳолатлари юзасидан айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши шарт.

15. Таҳдиднинг мавжудлигини тасдиқловчи етарли далиллар бўлганда, коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берган ходим, унинг оила аъзолари ва яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш қонунчиликка мувофиқ кафолатланади.

16. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундаш ёки коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этганлик ҳолатлари ҳақида хабар берганлиги муносабати билан ходимни танқид қилиш, унинг иш фаолиятига тўсқинлик қилиш, уни таъқиб этиш қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

17. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундаш ёки коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этганлик ҳолатлари ҳақида хабар берган ходим Академиянинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан рағбатлантирилади.

IV. Яқуний қоидалар

18. Ушбу Тартибда назарда тутилган қоидаларни бузганликда айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

**Ўзбекистон Республикаси Одиl судлов академияси
ходимларининг коррупция ҳолатлари ҳақида
мажбурий хабар бериши тартибига
1-сон илова**

(Академия ректори Ф.И.Ш.)

дан

(ходим, Ф.И.Ш.)

**Коррупция ҳолатлари ҳақидаги
БИЛДИРГИ**

Ушбу билдиргини тақдим этишда ёлғон хабар берганлик учун
ЖК 237-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилишим тўғрисида
хабардорман

имзо, Ф.И.Ш.

Ушбу билан шуни маълум қиламанки

(коррупцияга оид ҳукукбузарликлар содир этишга ундаш ҳолатининг санаси)

(вақти, жойи, усуллари ва мазкур ҳолат билан боғлиқ бошқа вазиятлар)

(коррупцияга оид ҳукукбузарликлар содир этишга ундаш билан мурожаат
қилган шахс ҳақида барча маълум бўлган маълумотлар)

(коррупцияга оид ҳукукбузарликлар содир этиш ҳақидаги таклифни қабул қилиш рад этилганлиги
(розилиги) тўғрисидаги маълумот)

20__ йил «__» _____

имзо

(Ф.И.Ш.)

Ўзбекистон Республикаси Одил
судлов академияси
ходимларининг коррупция
ҳолатлари ҳақида мажбурий хабар
бериши Тартибига
2-сон илова

Коррупция ҳолатлари ҳақидаги билдиргиларни рўйхатга олиш
КИТОБИ

номи) (Академиянинг расмий

Т/р.	Билдиргин и рўйхатга олиш санаси ва вақти	Билдирги тақдим этган ходимнинг Ф.И.Ш.	Билдиргининг қисқача мазмун	Билдирги тақдим этган ходимнинг Ф.И.Ш. ва имзоси	Алоҳида белгилар
1.					
2.					
3.					
4.					
5.					
6.					